

СЎЗ САЊАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№2 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2025-2>

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммаед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Туробов Бекпулат
масбул котиб, PhD, доцент
(Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммаед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Жеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Балтабоев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддиқова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Туробов Бекпулат
отв. секретарь, PhD, доцент
(Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Turobov Bekpulat
PhD Ass. prof. Senior Secretary
(Uzbekistan)


PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Murodova Mo'tabar Ibodullayevna TILAKLAR VA OLQISHLARNI NUTQIY AKTLAR SIFATIDA LINGVISTIK NUQTAI NAZARDAN TAHLILI...	5
2. Yusupova Soxiba Islombek qizi O'ZBEK BOLALAR O'YIN QO'SHIQLARIDA ATOQLI OTLARNING QO'LLANILISHI.....	9
3. Lolayeva Gulniso Geldiyorovna GAZETA MATNINING UMUMIY VAZIFALARI.....	13
4. Sharopova Ra'no, Karimova Latofat HOZIRGI O'ZBEK TILIDA "TARBIYA" LEKSIK-SEMANTIK MAYDONI TARKIBI VA TASNIFIQA OID QARASHLAR.....	18
5. Намазова Манзура Ураковна ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ЖИЗНИ И ЧАСТИ ИММИГРАНТОВ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....	24
6. Sadriddinzoda Safiya Shaxobiddinovna AMPHIBOLOGY IN ENGLISH RELIGIOUS LEXICOLOGY.....	32
7. Esirgapov Mukhiddin Nizomiddinovich THE INFLUENCE OF THE INTERNET AND DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE ENGLISH LANGUAGE.....	37
8. Karimova Dilorom Shavkatovna VERBAL AND NON-VERBAL INTERPRETATION OF THE CONCEPTS OF "DEATH" AND "LIFE".....	43
9. Narzullaeva Dilnoza Sanatovna CONCEPTUAL METAPHOR THEORY: EXPLORING THE ROLE OF METAPHOR IN CONCEPTUALIZING ABSTRACT CONCEPTS.....	48
10. Шахзод Турниязов ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЛИНАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРДА МУАЛЛИФ УСЛУБИНИ САҚЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР (О. ГЕНРИ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА).....	52
11. Matkarimova Gulira'no Abdullayevna XALQ OG'ZAKI IJODI VA MIFOLOGIK MANBALARDA UCHRAYDIGAN FITONIMLARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI.....	63
12. Алена Ялмагиевна Иванова ВЛИЯНИЕ КОНФУЦИАНСТВА НА ПРОЯВЛЕНИЕ ЭМОЦИЙ.....	68
13. Yunusova Gulshoda Dilshadovna EKVIVALENTLIK VA FE'L VALENSIYASI.....	80
14. Eshboyev Qahramon Bakir o'g'li O'ZBEK TILI SINONIMIK LUG'ATLARIDA DARAJALANISH METODOLOGIYASI.....	85
15. To'liboyeva Gulnura Baxadir qizi PEYZAJ BADIY VOSITA SIFATIDA (O'ZBEK VA QORAQALPOQ SHE'RIYATI MISOLIDA).....	91
16. Холбобоева Нилуфар Бахтиёр кизи НАВОИЙГА ТАХМИС.....	96
17. Сайымбетов Шарафатдин Уракбаевич И. ЮСУПОВНИНГ «ДАЛА АРМОНЛАРИ» ПОЭМАСИДА ИНДИВИДУАЛ МЕТАФОРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	102
18. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	106
19. Xolova Muyassar Abdulhakimovna O'ZBEK SHEVALARIDA FONETIK O'ZGARISHLAR (Surxondaryo viloyati misolida).....	111
20. Malika Soliyeva INGLIZ TILIDAGI INTONATSIYANING AYRIM FONOSTILISTIK XUSUSIYATLARI.....	118
21. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ХУСУСИДА.....	122

22. Xurinsa Xudoyberdiyeva TROPLARNING USLUBIY XUSUSIYATI (Xosiyat Rustamova lirikasi misolida).....	128
23. Israilova Sayera Tashpulat qizi INTERFAOL USULLAR ORQALI INGLIZ TILIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH (Tarix yo‘nalishi talabalari uchun).....	133
24. Israilova Sayera Tashpulat qizi INGLIZ XALQ ERTAKLARI ORQALI BOSHLANG‘ICH SINFLARIDA O‘QUVCHILARIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH.....	137
25. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	143
26. Робиға Мамбетова ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	149
27. Ҳамидулла Годжиев ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ УМУММАЪРИФИЙ – УМУМАДАБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	154
28. Ergashova Rano Turaevna LINGUISTIC FEATURES OF AVIATION TERMINOLOGY IN ENGLISH, RUSSIAN, AND UZBEK LANGUAGES: SPECIFICITIES AND COMMONALITIES.....	160
29. Bobir Maxammadov MIKROSOFT VINDOVS OPERATSION TIZIMI TERMINLARINING LEKSIKOGRAFIK TAVSIFI MASALALARI: MUAMMOLAR VA VAZIFALAR.....	170
30. Xalimova Firuza Rustamovna POETIK MATNDA BADIY KONSEPTLAR VA METAFORALARNING KOGNITIV-ESTETIK TALQINI.....	176
31. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	182
32. Матлуба Шукурова ЭНАХОН СИДДИҚОВА ШЕЪРИЯТИДА “АЁЛ” КОНЦЕПТИНИНГ АКТУАЛЛАШУВИ.....	187
33. Tashkulova Zarnigor “SHARQ” KONSEPTI SEMANTIK MAYDONIDA PEYZAJNING IFODALANISHI (S. MOEM HIKOYALARI MISOLIDA).....	195



ISSN: 2181-9297


www.tadqiqot.uz

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ҳамидулла Тоджиев,

М.Авезов номли Жанубий Қозоғистон университети,
Қозоқ тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ УМУММАЪРИФИЙ – УМУМАДАБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.17087443>

АННОТАЦИЯ

Туркистон жадидчилик ҳаракати ўта мураккаб тарихий вазиятда пайдо бўлгани каби, унинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ҳам ниҳоятда зиддиятли жараёнлардан иборат эди. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги маърифатпарвар жадидларнинг миллий озодлик, миллий мустақиллик ва умуман, истиқлол учун олиб борган курашларига оид, буюк аждодларимизнинг бизга қолдирган маънавий меросларини чуқур ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур мақолада Туркистон жадидлариининг умуммаърифий – умумадабий тамойиллари Қозоғистондаги “Алаш Ўрда” ҳаракатининг буюк намояндаларидан Билол Сулеев ва Мағжан Жумабоевларнинг ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий фаолияти ҳамда асарлари мисолида тадқиқ қилинди.

Калит сўзлар: миллий озодлик, тафаккур тарбияси, анъана, ватанпарварлик, садоқат, маърифат, маънавий тарбия, устувор масалалар.

Ҳамидулла Тоджиев,

Старший преподаватель кафедры Казахского языка и литературы Южно-
Казахстанского университета им. М.Ауэзова,
Кандидат философских наук (PhD) по филологии

ТУРКЕСТАНСКИЕ ОБЩЕПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ И ОБЩЕЛИТЕРАТУРНЫЕ ПРИНЦИПЫ ДВИЖЕНИЯ ДЖАДИДОВ

АННОТАЦИЯ

Движение джадидов Туркестана возникло в крайне сложной исторической обстановке, а этапы его формирования и развития также представляли собой весьма противоречивые процессы. Одной из актуальных задач является глубокое изучение духовного наследия, оставленного нашими великими предками, связанного с борьбой просветителей-джадидов конца XIX — начала XX веков за национальное освобождение, независимость и, в целом, за свободу. В данной статье на примере общественно-политической, духовно-просветительской деятельности и произведений выдающихся представителей движения «Алаш Орда» в Казахстане — Билола Сулеева и Магжана Жумабаева — исследуются общепросветительские и общелитературные принципы туркестанских джадидов.

Ключевые слова: национальное освобождение, воспитание мышления, традиция, патриотизм, верность, просвещение, духовное воспитание, приоритетные вопросы.

Hamidulla Tojiev,Senior lecturer at the Department of Kazakh Language and Literature,
South Kazakhstan University named after M. Auezov,
Doctor of Philosophy (PhD) in Philological Sciences**GENERAL EDUCATIONAL AND LITERARY PRINCIPLES OF THE
TURKESTAN JADIDISM MOVEMENT****ABSTRACT**

The Jadidism movement in Turkestan emerged in an extremely complex historical situation, and the stages of its formation and development also consisted of highly contradictory processes. One of the urgent issues is a deep study of the spiritual heritage left to us by our great ancestors regarding the struggle of enlightenment-minded Jadids at the end of the 19th and the beginning of the 20th centuries for national liberation, national independence, and, in general, for freedom. In this article, the general educational and literary principles of Turkestan Jadids are studied through the example of the social-political, spiritual-educational activities, and works of the great representatives of the "Alash Orda" movement in Kazakhstan—Bilol Suleev and Magzhan Zhumabayev.

Keywords: national liberation, intellectual upbringing, tradition, patriotism, loyalty, enlightenment, spiritual upbringing, priority issues.

Қадим Туркистон халқларининг миллий озодлиги, маънавий – маърифий юксалиши учун курашган, бу курашда шахид бўлган тараққийпарвар жадидларимизнинг хотирасини кадрлаб, буюк меросини ўрганиш глобаллашаётган дунёда янада муҳимроқ аҳамият касб этмоқда.

Зиддиятларга тўла, мураккаб XX асрнинг бошида қозоқ – ўзбек халқларининг сиёсий – ижтимоий, маданий – маърифий, тарихий – фалсафий раўнақига жадидчилик ҳаракатининг улкан намояндаари - миллат ойдинлари бекиёс хисса қўшишди

Академик Н.Каримов 1917 – 18 йиллар воқеликлари ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: “Россия тасарруфида яшовчи мусулмон халқларининг истиклол севар фарзандлари ўша кезларда Туркий республикалар федерациясини ташкил этиш фикрида бўлганлар. Бу федерацияга биринчи навбатда Туркистон, Қозоғистон ва Бошқирдистон миллий ҳукуматларининг кириши кўзда тутилган.”[7, 197]

Миллат келажагини, унинг фарзандларини жаҳолатдан қутқариш, илмга даъват этиш Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдулла Қодирий каби жадид адабиёти вакилларининг ижоди ва амалий фаолиятида устувор вазифага айланди. Худди шундай, Алаш ҳаракати ҳам Қозоғистоннинг сиёсий-ижтимоий ва маънавий-маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатган буюк тарихий воқеа ҳисобланади.

Буюк адиб Чингиз Айтматов билан суҳбатда қозоғистон халқ ёзувчиси М.Шоҳонов шундай маълумотни келтиради: “ 1919 йилда эндигина ташкил топган Туркистон республикасининг мусулмон бюросига қозоқ халқининг оташин фарзанди, оташин жамоат арбоби Турор Рисқулов раис этиб тайинланади. Н.Хўжаев, Н.Алиев, Й.Иброҳимов, Н.Муҳиддинов каби туркий халқларининг вакиллари ҳам бюро аъзолари эдилар. Ўша пайтда Туркистон республикасида яшайдиган аҳолининг тўксон беш фоизи номидан ёки барча мусулмонлар номидан ягона марказ раҳбарлик қилади, яъни барча мусулмонларнинг иқтисодий, маданий, ҳарбий сиёсати битта марказга бўйсундирилади, деган тўхтама келадилар. Туркистонни бирлаштириш ғоясини дадил кўтариб чиққан зотлар тил ва дин бирлиги асосида ягона алифбони ҳаётга татбиқ этмоқчи бўладилар. Бирок, Туркистон республикаси раҳбарларининг ташаббусидан кўрқиб кетган Москва ҳукумати дарҳол мусулмон бюросини тарқатиб юборади ва Ўрта Осиё ва Қозоғистонда бир-бирдан айрилган иттифоқдош республикалар тузишга киришадилар. Рисқулов каби давлат арбобларининг тақдири нақадар аянчли бўлганини жуда яхши биламиз”.[2, 362]

Миллий уйғониш ва миллий юксалиш жараёнида ҳар бир халқ ўзининг миллий қадриятлари ва маданий анъаналарини умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ ҳолда кўриши, уйғунликда ҳис қилиши зарур. Маълумки, ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт омиллари, эҳтиёжлари, талаблари ва ўзига хос ижтимоий – ҳаётий тамойиллари бўлади. Алихан Бўкейханов, Аҳмет Байтурсинов, Халил Дўсмұхамедов, Миржақип Дулатов, Сакен Сейфуллин, Жусипбек Аймаутов, Бейимбет Майлин, Мағжан Жумабаев, Билол Сулеевлар жанговар фаолияти, амалга оширган эзгу ишлари адабий - маърифий мерос сифатида ниҳоятда қимматлидир.

Тамаддуннинг тинимсиз тараққиёти, тадрижий такомил натижасида юзага келган янгидан-янги ижтимоий-иқтисодий шароитлар ўқитиш самарадорлигини янада ошириш учун ҳам катта-кичик имкониятларни очади ва табиий равишда энг мақбул ўқитиш усули сифатида турғунлашган муайян қоидалар эскиради. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитлардан келиб чиққан ҳолда яна янги ўқитиш усуллари изланади. Бир сўз билан айтганда, она тили ва адабиёти таълими замон тақозосига мувофиқ ана шундай муттасил, мунтазам ривожланиб, такомиллашиб, мақбуллашиб борадиган ўзига хос жараёндр.

1911 йилда Туркистон жадиличлик ҳаракатининг раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падарқуш” драмасининг яратилиши жадида адабиётида ўзига хос муҳим воқеа бўлди. Унда таълим-тарбия инсон камолотининг асоси бўлиб, унинг бош маскани оила, ота-она эканлиги гўзал бадиият ва ишончли ҳаётий воқеалар воситасида ёритилади. Туркистон жадиждарининг жаҳолат, саводсизлик маданиятсизликка қарши қизғин кураши борган сари жиддий тус олаверган. Беҳбудий жадиличлик йўналишидаги барча илғор ғояларга етакчилик қилади. Буюк Абдулла Қодирий, “Беҳбудийнинг “Падарқуш” пьесаси таъсирида “Бахтсиз куёв” отлик театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим”[9, 55], деган эди.

Алаш арбобларидан бири, оташин шоир Мағжан Жумабоевнинг ёниқ ўтли мисралари мустамлака кишанларини парчалаб ташлашга, озод ва эркин ҳаётга интилишга, Туркистон халқларини бирлашишга даъват этади:

Туркистон — икки дунё эшиги бу,
Туркистон — ҳар бир туркнинг бешиги бу.
Туркистон — Тангри берган муқаддас жой,
Туркистон — ҳар бир туркка сочар ёғду.

Ҳаёт ҳақиқати, давр руҳи уфуриб турган бу теран сатрлар ҳамма замонда ҳам ўз долзарблигини йўқотмайди. Шоир энг содда, энг равон, энг халқона усулларда қалб ғурурини ифодалайди:

Туроннинг беклари бор Тарағайдай,
Туғилган ундан Темур ўт бўп ўйнай.
Танилган ер юзига Соҳибқирон,
Чақмоқдай қиличини қўлдан қўймай...

Соҳибқироннинг чақмоқдай қиличи марказлашган давлатни ташкил қилиб, бутун дунёни ҳайратга солган бунёдкорлик ислохотларини амалга оширган эди. Муаллифнинг наздида у кунларнинг шухрати ҳеч қачон сўнмайди, маёқ сингари қалб озодлигига чорлайверади. Мағжон шоир олам ва одам олдида жуда кўп саволлар ташлайди:

Аслдир хосиятли турк қони,
Туғди шу қон Беруний ва Синони.
Келдими бу заминга улардай зот —
Забт этган ақли билан кенг дунёни?

Тошкентда донишманд жадида Абдулла Авлоний ўсиб келаётган ёш авлод ўз она тилини мукамал ўрганиши ва уни кўз қорачиғидек асраши шарт, дея, майдонга отилиб чиқди:

Эй она тил, азиз қадрдоним!
Илтифоти руҳим, раҳмоним!
Тузлиғим кундин айладинг улфат,
Ўлгунча айилма, эй жоним!
Менга илму адаб сан ўргатдинг,

Чин адиб, муаллим, шоним!
Миллатинг руҳини кўтаргувчисан,
Энг муқаддас карамли султоним!

Она тилининг тақдири халқнинг аччиқ қисматидан ҳам оғирроқ эди. Авлоний она ватанининг, онадек муқаддас тилининг эркин ва фаровон истиқболи келишидан умидвор эди.

Жадидлар ҳам улуғ аждодларимиз каби дунёни тафаккур билан забт этишни, туркий халқларни маънавият ва маърифат ёғдусида юксак чўққиларга олиб чиқишни ният қилган эдилар. Бу борада адабиётшунос олим Серик Қирабоев шундай дейди: “Мағжан кўтарган муаммолар Совет ҳукумати олиб бораётган сиёсатдан анча юқори эди. Шоир табақа кўлами билан чекланиб қолмай, балки бутун инсониятга, туркий миллатларга хос бўлган умумий фикрларни ифодалайди. У мамлакатга, унинг келажагига, маорифига, санъатига ҳам ана шу умумий нуқтаи назардан қаради”, деб Мағжон шеъриятига берган ижобий баҳоси фикримиз далилидир.. [8]

Алаш зиёлилари миллий ўзлик, миллий қадриятлар вақ озоқ тили алифбосини яратиш, имлосини тузатиш билан бирга тил мусаффолигини сақлаш, тил маданиятини юксалтириш учун жон куйдирдилар.

М. Дулатовнинг “Қозоқ тилининг қайғуси”, Ҳ. Дўсм ухамедовнинг “Қозоқ-қирғиз тилидаги сингармонизм қонуни”, Н. Тўрақуловнинг “Европа сўзлари” асарларида қозоқ тилининг орфографик ва орфоэпик меъёрларини сақлаб қолиш, бошқа тиллар таъсири, тилларнинг сақланиши, тил табиати каби муаммолар ўрганилди ва келажакда янги илмий асарларнинг туғилишига пойдевор яратилди.

Атоқли адиб ва давлат арбоби Мухтор Шохоновнинг фикрича: “Кирилл алифбосига кўчирилгач, бизнинг туркий халқларимиз бир-бирларини танимай қолдилар, бир-бирларининг хатларини ўқиёлмай қолдилар. Бу ҳолат бизнинг умумий маданиятимизга мисли кўрилмаган даражада зарар етказди. Шундай қилиб, биз қондошларимизнинг китобларини фақат таржима ёрдамида ўқишга мажбур бўлдик”. [2, 362]

Ҳар бир миллат учун она тили миллий ўзликнинг асосий бўлаги деб билган ҳолда, айниқса, келажак авлод тарбияси ҳақида қайғурдилар. А.Бай турсиновнинг “...Ўринбўрга келганимдан сўнг, аввало, қозоқ тилининг товуш тизими ва грамматик тузилишини ўрганишга киришдим, шундан сўнг қозоқ алифбоси ва имлосини соддалаштириш, учинчидан, қозоқ ёзма тилини чет тиллардан қирган сўзлардан халос қилишга, синтактик тузилишини ўзгартириш учун уни тилларнинг ёт таъсиридан тозалашга ҳаракат қилдим, тўртинчидан, қозоқ насридаги сунъий адабий хусусиятдан халос бўлиш ва уни халқнинг сўзлашув тилига мослаштириш учун илмий атамаларни шакллантириш устида ишладим”, – деган сўзлари миллат тақдирига нисбатан куюнчақлилиқдан туғилган, авлодларга мерос бўлиб қолган ибратли фикрдир.

1917 йил 13 декабрда Алаш Ўрда миллий партияси ўзини Алаш Ўрда Мухтор ҳукуматини эълон қилади. Тез орада бу ҳукумат 27 минг нафарлик миллий кўшин ва тартибни сақлаш бўлинмаларини ташкил этди. [15, 195]

Жадидлар ўлка истиқболи, миллат келажаги учун янги мактабларнинг аҳамияти бекиёс эканлигини халққа тушунтиришга, ёшларни ўз ортидан эргаштиришга ҳаракат қилишди. Миллий тараққиётга эришиш, баркамол инсонни тарбиялаш оила ва мактабдан бошланишини яхши билган жадидлар янги услубдаги мактаблар очдилар, ватан тарихини, шарқона тарбия усулларини, бетакрор қадриятларни ўзида тўлиқ камраб олган дарсликлар яратдилар. “XIX аср охири – XX аср бошларида ижтимоий – тарихий воқелик ва жадид тараққийпарварларнинг сиёсий ва маданий – маърифий маслаклари тақозоси билан жадид адабиёти шаклланди.” Турор Рискулов қозоқ, қирғиз, ўзбек ва рус тилларида бир қатор асарлар ёзди. Унинг “Еттисув масалалари”, “Инқилоб ва Туркистоннинг туб аҳолиси”, “Ўрта Осиё аҳолисининг 1916 йил кўзғолони” каби китоблари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ёзилишича, “Т.Рискулов 1937 йилда ҳибсга олинди. Туркистондаги “Иттиҳоди тараққий” миллатчилиқ ташкилотига алоқадорликда айбланиб, 1938 йилда отишга ҳукм қилинган.” [16, 365]

Туркистон ўлкасининг мард ва миллатпарвар жадидлари - буюк маърифатпарвар олимларидан бебаҳо маънавий-илмий-эстетик хазина мерос бўлиб қолди. Уларнинг юксак

иктидори, тафаккури ва заковати нафақат қадим Туркистонга, балки яқин Шарқ мамлакатларига ҳам зиё сочган. Жадид боболаримиз эрк ва озодлик, миллат ва ватанпарварлик, маънавий жасорат ва матонат каби буюк ғояларни тарғиб қилдилар.

Ахмет Байтурсинов, Халил Дўсмұхамедов, Миржақип Дулатов, Телжан Шонанули, Элдес Омарули, Жусипбек Аймаутов, Мағжан Жумабаев, Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон каби Маърифатпарвар жадидлар ватанпарвар – миллатпарвар фидойилар ҳамда ўткир журналист, мохир назарийетчи педагог, адабийтшунос, тилшунос, драматург, театр ташкилотчиси сифатида серкирра истеъдод соҳиблари эди. Улар исёнкор рух билан жафокаш ўзбек – қозоқ халқларининг миллий озодликка эришишини, ёрқин истиқбол йўлига чиқишини, илғор миллатлар қаторидан ўрин олишини орзу қилишарди. Миллат зиёлиларини жипслашишга, жаҳолат ва бидъатдан воз кечишга чақирди. Унинг асарлари Туркистон ўлкасида ижтимоий тафаккур уйғотишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Маърифатпарвар Билол Сулеев (1893 - 1938й.й.) 1908 – 1911 йилларда “Мамания” жадид мактабида ўқиш билан бирга Есенгули Маманулига шогирд тушади. Ҳамда унинг тавсияси билан Уфа шаҳридаги машҳур Олия мадрасасида таҳсил олади. сиёсий тафаккури шаклланишида А.Букейхонов, А.Бойтурсун, А.Кенжин, Ф.Ғалимжонов сингари Алаш етакчиларининг фалсафий – маърифий қарашлари муҳим роль ўйнади. Халқ зиёлиларининг тил масаласига бағишланган асарларининг аҳамияти уларнинг миллий озодлик учун курашдаги жасоратларини ифодалайди. Алаш ҳаракати аъзоларининг она тили мавқеини юксалтириш, уни асраб-авайлаш йўлидаги фидойиликлари бугунги авлод учун ибрат мактабидир. Уларнинг олий мақсадлари ҳамда асарларининг бош мавзуси она юрт ва она тили, миллат маънавияти ва маърифати учун курашдан иборат эди.

Жадидлар шу тўғри йўл умидида она юрт ҳақида, миллатнинг руҳи ва ўзлиги бўлмиш она тили ҳақида куюниб ёздилар. А.Авлоний “Ҳифзи лисон” мақолатида қалби изтироб ва надоматда тўлғониб, “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур”, дейди. Жадидларнинг наздида тилини йўқотаётган миллат ўтмишини унутади, ўзининг миллий кадриятлари ва анъаналаридан, удумлари ва истиқболидан ҳам маҳрум бўлади.

Тарихнинг исталган чорраҳасига синчковлик билан назар ташласак, у ҳеч қачон бир текисда кечмаганлигини, балки, ўзига хос эгри-бугри, ўта зиддиятли йўлларни босиб ўтганлигини кўрамиз. Жадидлар Туркистон халқларининг онгу – шуурида миллий истиқлол, миллий ўзлик, улуғ аждодлар билан фахрланиш, эртанги кунга ишонч каби теран туйғуларнинг уйғонишига ҳам мислсиз даражада катта таъсир кўрсатдилар, миллатдошларини мудом миллий озодлик учун курашга даъват қилдилар

Абдулла Авлоний ва Мағжан Жумабоевдек оташнафас шоирларнинг ўтли шеърларида тарихи ва тақдири бир туркий халқларнинг ҳам шонли, ҳам қонли ўтмиши, асрий орзу – армонлари буюк истеъдод билан ифодаланди. Маълумки, собиқ шўро даврида кўплаб миллатлар, айниқса туркий халқлар ўзларининг ўтмишини, тарихий хотирасини бой бериб қўйган эди. Ахмет Байтурсинов, Халил Дўсмұхамедов, Миржақип Дулатов, Телжан Шонанули, Элдес Омарули, Жусипбек Аймаутов, Мағжан Жумабаев, Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон каби улуғ алломаларимизнинг маънавий – маърифий, тарихий – фалсафий, адабий - эстетик меросини ўрганиш, уларни илмий тадқиқ қилиш Марказий Осиё халқлари учун муштарак мақсадга айланиши шарт.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, шиддат билан интеграция жараёнига қадам қўйган туркий давлатларнинг иқтисодий – сиёсий, илмий - маданий ҳамкорлигини уларнинг яқин ўтмишдаги яқдиллиги ва қалбан жипслиги каби ришталарсиз мустаҳкамлаш мумкин эмас. энг қадим замонлардан бошлаб дили, дили, дини ва юраклари бир-бирига чамбарчас боғланган қардош халқлар овози эндиликда дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграши учун маърифатпарвар жадид боболаримизнинг илмий – адабий – маданий меросларини биргаликда

ўрганиш, уларнинг янги қирраларини кашф қилиш бугуннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлоний А. Танланган асарлар. Тошкент: “Маънавият”, 2020.
2. Айтматов Ч. Шохонов М. Чўкқида қолган овчининг оҳи – зори. Тошкент.: “Шарқ”, 1998.
3. Алимова Д. Жадидчилик : ислоҳот, янгиланиш мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. “Университет”, Тошкент: 1999 йил.
4. Жамолова Д. Туркистон жадидларининг татар, турк, аф0он ва озар тараққийпарварлари билан алоқалари тарихига оид.// Ўзбекистон тарихи, 2022 йил, 3 – сон.
5. Ирзаев Б. Алаш қаҳрамони. // Жадид, 2025 йил, 4 – июль. 3 – сон.
6. Йўлдошев Ш. Ўзбек жадидлари Шарқий Туркистонда. // Ўзбекистон тарихи, 2022 йил, 3 – сон.
7. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари Тошкент.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2008.
8. Қирабаев С. Шындық және шығарма. Мақалалар мен зерттеулер. А., «Жалын» 1981
9. Қодирий А. Танланган асарлар. Тошкент.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
10. Қосимов. Б. Маслақдошлар. Т: “Маънавият”, 1994.
11. Қурбонов Т. Тарихий бадиий асар ва давр тили масалалари. Монография. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –
12. Маҳмудов Н. Она тили таълими ва замон тақозоси // Ўзбек тили доимий ангулумининг XII йиғилиши материаллари. – Тошкент: РТМ, 2013.
13. Мирзаев Д. Ёт иллатлар жадидлар ва матбуот нигоҳида. // Ўзбекистон тарихи, 2022 йил, 3 – сон.
14. Ризаев Ш. “Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш”, Тошкент: 1999.
15. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1 –ж. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент: 2005.
16. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7 –ж. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент: 2007.
17. Ҳасанов А. Туркистонда маърифий – сиёсий кураш ва жамиятлар тарихига оид. // Ўзбекистон тарихи, 2022 йил, 3 – сон.
18. Шарафиддинов О. Танланган асарлар. Тошкент: “Шарқ”, 2019.
19. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. Танланган асарлар. Тошкент.: “Шарқ” нашриёт концерни Бош таҳририяти, 2019.
20. Шарипов Р, Жадид адабиётида янгиланиш, ислоҳот ва мустақиллик учун кураш. Т., 2005.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000